

Одам савдосининг олдини олиш бўйича семинар ўтказилди



Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими, мактабгача таълим соҳаси вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ОАВ, маҳалла вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

Семинарда асосан, одам савдосига қарши курашиш бўйича РИАМ “Истиқболли авлод” ташкилоти фаолияти тўғрисида, шунингдек, одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича сўз юритилди.

Семинар давомида йиғилганларнинг таклиф ва фикрларига ҳам қулоқ тутилиб, келгусида одам савдосидан жабрланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кенг муҳокамалар ўтказилди ва иштирокчиларга мавзу юзасидан тарғибот материаллари тарқатилди.